

КОНСУЛЬТАТИВ ГУРУХЛАРНИНГ ХАЛҚАРО МАРКАЗЛАРИ – КЎП ТАРМОҚЛИ ФАО ТИЗИМИНИНГ АСОСИ

Буриев Х.Ч., Турдиева М.К.

*Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти
Biodiversity International (IPGRI)*

Аннотация: Мақолада консултатив гуруҳларнинг халқаро марказлари – кўп тармоқли ФАО тизимининг асоси тўғрисида қимматли маълумотлар чуқур илмий таҳлил қилингандан ҳолда келтирилган.

Калит сўзлар: ФАО, агробιοхилмахиллик, биохилма-хиллик, агроэкотизимлар, генетик ресурслар.

Маслаҳат гуруҳининг Халқаро марказларида (МГХМ) XX асрда шаклланган ўсимликлар генетик ресурсларининг *ex situ* коллекциялари генбанклар учун алоҳида ўрин тутди. ФАО маълумотларига кўра, дунёдаги мавжуд 1460 генбанкнинг энг йириклари 15 давлат назорати остида. Уларда *ex situ* шароитида сақланаётган турли қишлоқ хўжалиги экинларининг 6,3 миллиондан ортиқ намунасининг учдан бир қисми сақланмоқда. МГХМ генбанкларида бутун данёда *ex situ* шароитида сақланаётган умумий намуналарнинг 600 мингдан зиёди ёки ўндан бир қисми сақланмоқда.

ФАОнинг Халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича маслаҳат гуруҳи (МГ) жаҳон ҳамжамияти ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари: ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида барқарор тараққиётга эришиш учун дунё миқёсида илмий тадқиқотларни ривожлантиришга кўмаклашиш, учинчи дунё мамлакатларида академик билимлар даражасидан фойдаланган ҳолда аҳолининг кам таъминланган қатламлари фаровонлигини ошириш, миллий илмий кадрлар тайёрлаш ва илмий марказлар ҳамда айрим дастурлар халқаро тармоғини молиялаштиришдан иборат.

МГ ўз тармоғида 16 халқаро марказни (ХМ) бирлаштирган ва назорат қилади. Уларнинг 11 таси агробιοхилма-хилликни сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга жалб этилган. Ҳар бир ХМ ташкил этилганидан буён ўзлари жойлашган минтақаларда ўсимлик ресурсларини сақлаш ва учинчи дунё мамлакатларида қашшоқлик даражасини пасайтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

МГ генбанкларида сақланаётган хилма-хил ўсимликлар маҳаллий, кўпинча оғир табиий шароитларга мослаштирилган янги навларлар ва дурагайлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, миллий ва минтақавий селекция дастурларида фойдаланиш учун МГ генбанклари барча тоифадаги фойдаланувчиларга 1 миллиондан зиёд намуна берди. Йилига ўртача қарийб 100 минг намуна асосан учинчи дунё мамлакатларига берилмоқда. 1993 йил БХК кучга киргач, МГ генбанкларида сақланаётган генетик ресурслар муайян юридик мақомга эга бўлиши керак эди.

МГ коллекцияларининг халқаро мақомини яратиш ташаббускори бўлган ФАО генетик ресурсларини сақлаётган барча ХМ билан махсус шартнома ишлаб чиқди.

1-YO'NALISH: AGROBIOXILMA-XILLIKNI O'RGANISH, SAQLASH VA BOYITISHI MUAMMOLARI

Ушбу шартномаларга мувофиқ улар томонидан ex situ шароитида сақланаётган ўсимлик генофондининг катта қисми ФАО юрисдикциясига ўтди (*Жадвал*).

Маслаҳат гуруҳининг асосий Халқаро марказлари ва уларда сақланаётган агробиохилма-хиллик

Номи	Ташкил бўлган йил	Мандатли ўсимликлар	Коллекциядаги намуналар сони	
			Умумий	ФАО юрисдикция-сидаги
CIAT	1967	Ловия, кассава, дуккаклилар, озука ўтлари	60000	55584
CIMMYT	1966	Бугдой, маккажўхори, тритикале	117000	115524
CTP	1971	Картошка, батат	13000	12524
ICARDA	1976	Бугдой, арпа, нут, дуккакли ва озука экинлари	115000	105086
ICRISAT	1972	Жўхори, тарик, пут, каянус, ер ёнғоқ	114000	110096
ITA	1967	Дуккакли ва озука экинлари	37000	25609
ILCA/ILRI	1974	Озука экинлари	13000	11537
INIBAR	1984	Бананлар	1500	931
IRRI	1960	Шоли	85000	80617
WARDA	1971		16000	14917
Жами			585000	532483

ХМда сақланаётган ex situ коллекциялари намуналарининг умумий сонидан 80 фоиздан ортиғи ФАО шафелиги остида. Шунинг алоҳида таъкитдлаш жоизки, ХМ умумий генофондининг 73 фоизини анъанавий ва маҳаллий эски навлар, маданий экинларнинг ёввойи турлари ҳамда ХМ олимлари ва селекционерлари томонидан олинган селекция линиялари ташкил этади.

ХМ ва ФАОнинг сақланаётган экинлар генетик ресурслари тўғрисидаги шартномасининг асосий қоидалари қуйидагилар: сақланаётган генетик материал ва унга тегишли ахборот учун мулк ҳуқуқини, шу жумладан интеллектуал мулк ҳуқуқини белгиламаслик, коллекцияларни тасдиқланган халқаро норма ва стандартларга иuvoфиқ сақлаш, ФАО экспертларига ХМ генбанкларидан фойдаланиш имконини бериш, ҳар қандай тоифадаги фойдаланувчиларнинг коллекциялар намуналари ва улар ҳақидаги ахборотдан чекловсиз фойдаланишини таъминлашдан иборат.

Гермоплазма эгаси ФАО юрисдикциясидаги ХМ коллекциялар намуналарини топшириш ва олиш шартларига риоя этиши учун марказлар Материал бериш тўғрисидаги шартномани (МБШ) ишлаб чиқди ва ФАОда тасдиқлади.

Глобаллашув, савдони эркинлаштириш, генетик ресурслар ва янги технологиялар учун мулк ҳуқуқини белгилаш тартибини кучайтириш шароитида ХМлар қатор муаммоларга дуч келди. Бу муаммолар мамлакатларнинг ўз биохилма-хиллигига нисбатан суверен ҳуқуқи, айрим давлат коллекцияларини хусусий секторга бериш тенденциялари, Жаҳон савдо ташкилотининг етказиб бериладиган маҳсулот ва товарлар учун интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минимал шартларига риоя этиш талаблари билан боғлиқдир. Бу ХМ генофондида сақлашнинг учта муҳим шартини давр талаблари ва янги халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш зарурлигини англатади. ХМ ва ФАО ўртасидаги шартномаларда баён этилган агробιοхилма-хилликни сақлашга нисбатан бундай шартлар куйидагилардир:

1. ХМ генбанкларидаги гермоплазма Маслаҳат гуруҳининг ўсимликлар генетик ресурслари тўғрисидаги сиёсатга мувофиқ эркин фойдаланиш учун қолади;

2. Гермоплазма сақлаётган марказлар ҳеч қачон интеллектуал мулк ҳуқуқини белгиламайди: ривожланаётган давлатларнинг янги технологиялар ва уларнинг маҳсулотларидан фойдаланиш зарурлиги бундан мустасно;

3. ХМ томонидан белгиланадиган интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳар қандай ҳимоя қилиш ривожланаётган давлатларнинг билимлар, технологиялар, материаллар ва ўсимликлар генетик ресурсларидан эркин фойдаланишини чекламаслиги даркор.

ХБнинг 5-қисми 15-моддасида Маслаҳат гуруҳининг Халқаро марказлари ва ўз таркибида агробιοхилма-хиллик намуналари коллекцияларига эга бошқа халқаро ташкилотларга бағишланган. Ушбу моддага мувофиқ марказларнинг ушбу *ex situ* коллекцияларнинг илмий-техник ва моддий базаси, шунингдек, генбанкларни бошқариш услублари ХМ бошқарувида қолади. Генетик материални сақлаш шартлари ХМ томонидан халқаро ҳамжамият ишлаб чиққан ва қабул қилган стандартларга риоя этган ҳолда қафолатланиши шарт.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ХМ *ex situ* коллекцияларидаги ўсимликлар генетик ресурслари намуналарини КХТга киритишда фаолият юритишнинг асосий принциплари ва мақсадларига риоя этилади. Адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларнинг таҳлилидан маълум бўлдики, ушбу марказ ва уларнинг генбанкларини ташкил этишдан кўзланган мақсадлар бизнингча, куйидагилар: илмий-тадқиқот ва селекция фаолияти ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун агробιοхилма-хиллик намуналарини тўплаш, сақлаш, ўрганиш ҳамда барча фойдаланувчиларга беришни давом эттириш; маҳаллий хилма-хил ўсимликлардан фойдаланган ҳолда, минтақаларнинг оғир шароитларига мослаштирилган янги қишлоқ хўжалиги экинлари навларини яратиш; минтақа мамлакатларига агробιοхилма-хиллик соҳасидаги миллий дастурларга илмий-техник ва услубий ёрдам кўрсатиш ва миллий *ex situ* коллекцияларни яратишга кўмаклашиш; миллий ташкилотлар билан кўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, маҳаллий аҳоли фаровонлигини оширишга кўмаклашиш; Кўп томонлама тизимга кирадиган *ex situ* коллекциялар сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш ваколатига эга ҳукуматлараро орган сифатида ФАО ва ХБ Раҳбар органининг ролини эътироф этиш; КХТга берилган генетик материал ва у билан боғлиқ ахборот учун интеллектуал ва бошқа ҳар қандай мулк ҳуқуқларини белгилашга даъвогарлик қилмаслик, шунингдек, МБШ шартларидан фойдаланган ҳолда кейинги фойдаланувчининг бундай ҳуқуққа эга бўлишига йўл қўймаслик ва бошқалар.

Адабиётлар

1. Калакуцкий Л.В. Доступ к генетическим ресурсам // Вестник Рос. акад. наук. 2001. Т.71, №5. С.398.
2. Конвенция о биоразнообразии (текст и приложения, на рус. яз.) // The Interim secretariat for the CBD. Geneva, Executive Center, 1992. 34 p.
3. Кривченко В.И., Алексанян СМ. Международный диалог по проблемам генетический ресурсов растений в Кистоуне как новый этап сотрудничества в области мобилизации гермоплазмы растений в современном мире // Генетические ресурсы растений, их изучение и использование в селекции. Прага, 1990. С. 23-32.
4. Кувалдин В.Б. Глобализация и рождение мегаобщества // Проблемы глобализации; Тр. Фонда Горбачева. 2001. Т.7. С.56.
5. Международная Конвенция по охране новых сортов растений (УПОВ). Женева, 1997. С. 1-26.
6. Рыбин В.А. Николай Иванович Вавилов // Вопросы географии культурных растений. М., Л.: Наука, 1966. С.116-124.
7. Семенные конфликты и запреты // Правда. М., 1989, 12 февраля. С.7.
8. Степанов С.А., Судо М.М. Экологические последствия военных действий в Югославии / Доклад. МНЭУПУ (Межд. Независимый эколого-политологический Университет). Белград, 2000. 38 с.
9. Толстых В.И. Глобализация в социокультурном измерении // Проблемы глобализации: Тр. Фонда Горбачева. 2001. Т.7. С.221. 26. Что такое УПОВ и в чем заключается его деятельность. Париж, 1996, июнь. УЛОВ № 437 (R). С. 1-3. 27.